



ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ДИСКУРС ТУШУНЧАСИ

Кенжаева Зухра Тахировна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси
ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7801487>

ARTICLE INFO

Received: 27th March 2023

Accepted: 04th April 2023

Online: 05th April 2023

KEY WORDS

Дискурс, синтактик дискурс,
диалогик дискурс, нутқий
жанр.

ABSTRACT

Ушбу мақолада замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири бўлган дискурс масаласи ёритиб берилган. Ҳамда, маълум бир индивидуал дискурсни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши нутқнинг лингвопрагматик табиати тўғрисида мулоҳазалар ўрганилган. Дискурс ва ва матн тушунчалари, ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари таҳлилга тортилган бўлиб бу борада ўзбек, рус ва жаҳон тилшунослигида баён қилинган фикрлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланаши билан характерланади.

Замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дискурс масаласидир. Замонавий тилшуносликда “дискурс” атамасига алоқадор дастлабки эътирофлар XX асрнинг 50-йилларида шаклланди. Мавжуд манбаларда дастлаб муаммога бирдан ортиқ гаплардан ташкил топган ва “мураккаб синтактик моҳиятли бирлик” сифатида қарашган. Бу ҳодиса тилшуносликда мантиқий грамматика ҳамда сўзлашув нутқи алоқадорлиги сифатида баҳоланган. Шунингдек, ўтган асрда тилшуносликда дискурс ҳодисаси оғзаки нутққа алоқадор эканлиги, уларнинг нутқ жараёнида ундалма, кириш сўзи, кириш бирикмалар билан ҳам ифодаланиш ҳолатларининг мавжуд эканлиги, бу эса уларнинг “мураккаб синтактик қурилма” сифатида баҳоланишига асос бўла олиши ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилган.

Хорижий тилшуносликда дискурс муаммоси ўтган асрда З.Харрис томонидан кўтарилди. Ўрганилган тадқиқотларда дискурс сўзлашув нутқининг монопредикатив бирлиги сифатида талқин этилди. Бу вақтга келиб, илмий манбаларда матн тилшунослиги, матн тадқиқининг нутқ назарияси билан алоқадорлиги, амалий стилистика, мулоқот назарияси, тил ўрганиш, автоматик таржима каби атамалар



қўллана бошланди. Ўтган асрнинг 70-йилларидаги энг катта ютуқлардан бири дискурснинг сўзлашув нутқидаги мавқеи тилшуносликнинг алоҳида бўлими ҳамда муаммонинг алоҳида тадқиқот манбаи сифатида шаклланганлигидир. Баъзи манбаларда эса, дискурс атамасининг тилшуносликдаги мавқеи ва унинг қўлланилишига эътирозлар ҳам билдирилган. Хатто, 1966 йилда тилшунос Р.Годельнинг дискурс атамасининг тилшуносликка оид тадқиқотларда қўлланилиши тил ва нутқ ҳодисалари ҳақида аниқ хулоса чиқаришга шубҳа туғдириши мумкинлиги ҳақидаги эътирофини Н.А.Слюсарев ўз изланишларида қайд этди ва Р.Годель эътирозига қарши асосли, илмий жавоб берди.

Юқоридаги тилшунос олимларнинг фикр мулоҳазаларидан келиб, “дискурс” ва “матн” тушунчалари, ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари ҳақида ҳам ўз тушунчамизни беришга қарор қилдик.

Дискурс тушунчаси асосан бадиий ва матн ўртасидаги алоқани ўрганишга қаратилган соҳа бўлиб, асосан 20 асрнинг 60-70-йилларида лингвистика, семиотика, психология, антропология ва социология каби соҳалардаги изланишлар натижасида юзага келди. Дискурс бадиий имкониятларнинг воқеланган ҳолатини ҳамда хар хил матн ва оғзаки нутқ, яъни мулоқотдан тортиб, суҳбатларгача бўлган ҳолатларни тадқиқ қилади. Дискурс - бу тилнинг воқеланиши фаолият жараёни эканлиги тилшунослик фанида Арасту давридан бошлаб ҳозирги кунгача ҳеч бир тилшунос томонидан инкор этилмайди, лекин яқин давргача, юқорида айтиб ўтганимиздек, тилшуносликнинг барча оқим ва йўналишлари фаолият маҳсулини, ҳатто, диалектологик тавсифларда ҳам тавсифи таҳлил этиш билан банд эдилар. Тўғри, психологлар, психоллингвистлар нутқнинг пайдо бўлиши, унинг юзага чиқиш жараёнида психик хусусиятларга кўп эътибор қаратган бўлсалар-да, улар нутқ жараёнининг ўзини эмас, нутқнинг пайдо бўлиши, бадиий имкониятнинг нутқ шаклида воқеланиши психофизиологик жиҳатдан тадқиқ этиш билан чекландилар. Шундай қилиб, тилшунослар нутқи инсон онгининг маҳсули сифатида, психологлар бу маҳсулнинг руҳий физиологик томонлари билан шуғулланиб келганлар, барча тилшунослар яқдиллик билан тан олган нутқий фаолиятнинг ўзи четда қолиб келаверди.

Голланд тилшуноси Т. А. ван Дейк эса кенг маънода дискурсга комплексли коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозимлиги ҳақида фикр билдиради. Таъкидлаш керакки, Т.А. ван Дейк дискурс ва матн ўртасидаги фарқни шундай белгилайди: дискурс - актуал айтилган матн, яъни фаол нутқий ҳаракат, матн эса тил тизимига ёки шаклий лисоний билимларга тегишли фикрларнинг мавҳум грамматик тузилишидир.

Дискурс – аниқ суҳбат, аниқлик эса дискурс тушунчаси қўлланадиган вазиятга, матнга ва объектга ҳам бирдай тааллуқлидир. Дискурс - суҳбат тури. Дискурс жанр кабидир. Нутқий жанр–бадиий воситалардан фойдаланишнинг ўзига хослиги, маълум коммуникатив мақсад ва информативлик, императивлик, этикетлик каби жиҳатлари билан ажралиб турувчи нутқ тури ҳисобланади. Дискурснинг ижтимоий табиати янгиликли дискурс, публицистик дискурс, сиёсий дискурс, илмий дискурс, бадиий дискурс, баҳоловчи дискурс каби янги тушунчаларнинг юзага келишига имкон беради.



Талқин ва изоҳларнинг хилма- хиллиги дискурс тушунчасининг кўп қиррали ва кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Маълум бир индивидуал дискурснинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши нутқнинг лингвопрагматик табиати тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

Ю.С. Степановнинг фикрича, “дискурс” – битта гапдан ёки мустақил гап қисмидан кўпроқ матннинг ихтиёрий фрагменти бўлиб, концепт атрофида жамланади. Дискурс гапларнинг кетма-кетлигидан эмас, уни ҳосил қиладиган ва талқин қиладиган, дискурс билан “яратиладиган” олам томонидан аниқланади”.

В.З.Демяньков эса дискурснинг интенционал тузилишини ифодалаб, яъни интерпретация матн дискурс мантиқий тузилишига эга. Дискурс элементлари: баён этилган воқеаҳодисалар, уларнинг қатнашчилари, перформатив ахборотлар ва ҳодисалар эмас, яъни, а) ҳодисалардан кейинги ҳолатлар; б)ҳодисаларни аниқлаштирадиган фон; в) воқеа-ҳодиса қатнашчилари баҳоси; г) дискурсни воқеалар билан солиштирийдиган ахборот.

В.Г.Борьботконинг таъкидлашича, матн дискурс фақат коммуникатив бирликлардан ташкил топган матн бўлиб, гапларнинг бирликларга бирикиши ва уларнинг ички лексик маъновий боғланишларга эга бўлиши уларни бир бутун тузилма деб ҳисоблашга имкон беради.

Ўзбек тилшунослигида матн дискурснинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари, унинг структурал қурилиши ҳамда вазифаларини аниқлашга оид тадқиқотлар санокли. Масалан, матн ҳамда унинг бадий асардаги ўрни тўғрисида академик М.Қўшжонов ўзининг “Ижод сабоқлари” китобида қисқа ва умумий маълумот берган. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” да ҳам матн дискурсига алоҳида тўхтаб ўтилган. Тадқиқотчи Г.Имомова “Типик миллий характерлар яратишда бадий нутқнинг роли” мавзусидаги номзодлик диссертациясида, матн дискурси нутқда миллий характернинг ифодаланиши” деб номланган бўлса-да, матн дискурсига таъриф беришни ортиқча ҳисоблаб, “матн дискурс мулоқатининг ўзаро тортишуви бир-бирини инкор этувчи турли хил эътиқоди ва характерини тасвирлаш воситаси” эканлигини қайд этиш билан чекланади. Профессор А.Ғуломов ва М.Асқаровалар “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Синтаксис) дарслигида матн дискурси тўлиқсиз гапнинг бир тури сифатида кўрсатилади ва матн дискурси таркибида келувчи тўлиқсиз гапларнинг тузилиши устида фикр юритилади. Умуман олганда, ўзбек тилшунослигида матн дискурси масалаларини илмий асосда ўрганиш ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. Бу даврда яратилган тадқиқотлар сирасига А.Ҳазратқулов, А.Бобоева, Э. Шодмонов, С.Холдорова, А.Шомақсудов илмий изланишларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Мазкур манбаларда матн дискурсининг хусусияти масалалар хусусида сўз юритилади. Чунончи, А.Бобоева тўлиқсиз гапларнинг юзага келиши ўз табиатига кўра диалогик нутқ билан, айниқса, сўзлашув нутқи билан боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Сўзлашув нутқида учрайдиган савол-жавоб шаклидаги диалог ва унинг тўлиқсиз гаплардан фарқи, диалог ва монолог ўртасидаги тафовут каби масалалар А.Ҳазратқуловнинг ишида қайд этилган.



Демак, замонвий тилшунослиги тарихида матн лингвистикаси шаклланган ва мустақил йўналишлардан бирига айланган давр ҳисобланади. Лисоний ҳодисаларни йирик масштабларда тадқиқ этувчи мазкур соҳа XXI асрда янада жадал суръатлар билан ривожланиб, фан олдига янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизимини дискурс асосида тадқиқ этишдир.

Замонавий тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишларида матн яратилиши ва идрокида шахс омили масаласи тадқиқот объектининг марказини ташкил этади.

Замонавий тилшунослигида тил тизимини шах билан боғлиқ тарзда ўрганиш асосан лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Хусусан, В. фон Гумбольдт, Л.Вайсгербер, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, А.А.Потебня, Ж.Лакофф, М.Жонсон, Ван Дейк Т.А., У.Чейф, Н.Хомский, Э.Рош, Ю.Н.Степанов, Л.В.Щербан, А.А. Леонтьев, Н.И.Жинкин, Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, В.А. Маслова, Н.И.Караулов, Ф.К.Седов каби тилшуносларнинг ишларида дискурс билан боғлиқликда тадқиқ этилган.

Тилшунослар Гоффман, Х. Сакс, Э.А.Счеглофф ва Г.Жефферсоннинг ишлари мулоқот меъёрлари, навбат алмашиш ва бошқа нутқ шакиллари ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот таҳлилчилари билан бир қаторда, социоллингвистлар, Лабовнинг ҳикоя сўзлаш ҳақидаги илмий ишлари оғзаки дикурсга қизиқишни оширади. Америкада дикурс турларининг жуда кенг изоҳлари ишлаб чиқилган, шунингдек, мулойимлик, сўзлашув жараёнида юз ифодаси феноменлари Британия прагматик назарияси билан омухталаштирилган ҳолда ўрганилган.

Бу каби илмий изланишлар ва муаммога нисбатан билдирилган турлича қарашлар диалогик дискурс масаласининг тилшуносликда ҳал қилиниш лозим бўлган, тадқиққа муҳтож қирралари мавжуд эканлигидан далолат беради. Одатда, диалогик дискурс ҳақида гап кетганда, уни “икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасидаги суҳбат” деб таърифлашади. Бу тўғри, аммо бир ёқлама фикр.

Тилнинг икки-оғзаки ва ёзма жиҳати ҳар доим бир-бири билан муносабатда ва алоқадор. Сўзлашув тили ёзма адабий тилнинг манбаидир. Сўзлашув тили диалогик дискурс шаклида намоён бўлади ва дискурс ҳозиржавоблик асосида тузилади. Лекин унутмаслик керакки, сўзлашув тили деганда, фақат диалогни тушунмаслик керак. Албатта, улар бир-бири билан боғлиқ ҳодиса, шу боис ёзма ва оғзаки адабий тил таркибида ҳар иккала нутқ шакли мавжуд. Л.В.Щербанинг фикрича, сўзлашув нутқи диалогик дискурс шаклида юз беради. Бу эса, диалогнинг табиийлигини таъминлайди. Тил диалогдагина ўзининг ҳақиқий борлигини намоён қилади. Унинг оғзаки ва ёзма шакллари таққослаб кўрилса, адабий тилнинг асосида могологик дискурс ётганлигини кўрамиз. Л.В.Щербан адабий тилнинг белгиларини кўриб чиқиб, уларни адабий тилнинг турли шакллари ва иш юритиш тилининг турли кўринишлари тарзида икки гуруҳга ажратади ва “ҳар бир шакл ва ҳар бир усул ҳаётини зарурат талаб қиладиган маълум вазифани бажариш учун синтактик хусусияти билан боғлиқ” деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги олимларнинг фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқот ишимизда **дискурс** терминининг бир неча хил маънода



талқин қилинишни кўришимиз мумкин. Бу термин дастлаб боғланма матн тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат, диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Антропоцентрик парадигманинг ривожланиши натижасида дискурс термини янада кенгроқ маънога эга бўлмоқда. Мазкур термин остида ҳозирги кунда ўзида экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тузилмасини тушуниш тенденцияси кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, **дискурс** сўзи ифодаланган ходисани соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносеология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган ҳақиқатдир.

References:

1. Борботко В.Г. Принципы формирования дискурса. От психоллингвистики к лингвосинергетике.-М.: Ком Книга, 2007.
2. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность
3. интерпретирующего подхода / В.З.Демьянков // Вопросы языкознания. - 1994. -№ 4. - С.17 – 33.
4. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. М.: Прогресс, 1989. - 312 с
5. Степанов Ю.С. Альтернативный мир, Дискурс, Факт и принцип Причинности/ Ю.С.Степанов // Язык и наука конца XX века. – М.: Российский
6. Государственный гуманитарный институт, 1995. – С. 35 – 73.
7. Слюсарев Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка,-М. Наука, 1981.-206 с.
8. Harris Z.S. Discourse analysis. Language 1952-28 стр.
9. Шомақсудов А. Сўзлашув стили. Ўзбек тили стилистикаси масалалари.-Тошкент, 1972. –Б. 37.
10. Щерба Л.В. Восточно-лужское наречие.-Петербург, 1915.-С.4.
11. М. Қўшжонов Ижод сабоқлари. – Т.: Ёш гвардия, 1973.-191 б.
12. Н. Ҳотамов, Б Саримсоқов Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т. , 1981 99б.
13. Ҳазратқулов А.Ҳ. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари. –Қарши: Насаф, 1978. – Б. 36.